Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1993 ЙИЛ 9 ИЮНЬ, ЧОРШАНБА

№ 39 (6550).
Баҳоси 5 сўм.

Мавлон УМУРЗОҚОВ,
УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ДАВЛАТ МАСЛАҲАТЧИСИ, УЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕПУТАТИ

ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ ВА КАДРЛАР СИЁСАТИ

Мустақил Ўзбекистонимиз истиқболи кўп жиҳатдан ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий етук кишилар сифатида камол топишларига боғлиқ. Комил инсонларни тарбиялаш учун эса аниқ мақсадга йўналтирилган, узоқ даврга мўлжалланган таълимий-тарбиявий фаолият зарур. Истиқлол мафкураси ана шундай фаолият дастури, ҳар бир инсонда, жумладан, ёшларда ҳам миллий ғурур ва юртга эгалик ҳиссини, ватанпарварлик ва фидойилик туйғусини, меҳнатсеварлик ва жонбозлик, мардлик ва олижаноблик сингари фазилатларни шакллантиришга қаратилган мақсадлар, ҳаётий амаллар мажмуасидир.

Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Мавлон Умурзоқовнинг «Халқ сўзи» газетаси (1993 йил 3 июнь)да эълон қилинган «Истиқлол мафкураси ва кадрлар сиёсати» деб номланган мақоласи ана шу жиҳатларига кўра педагогик ходимларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Муштарийларимиз истакларини инобатга олиб, истиқлол мафкурасининг моҳияти ва мазмуни кенг ёритилган мазкур мақолани тўлалигича чоп этишга қарор қилдик.

Ўзбек халқи ўз тарихий тараққиётининг янги босқичи — давлат тузумининг янги эрасига қараб қадам қўйди. Юз йиллар орзуланган Мустақиллик бугун еримизда, қонунларимизда, байроғимизда, мадҳиямизда намоён бўлиб, қарор топмоқда. Бугун юракларимиз, тафаккуримиз қай аҳволда? Бирон анжуманда Ўзбекистон мадҳияси янграса, ўрнидан туриб-турмай қолган одамларни, ўзини қандай тутишини билмай қаловланган кишиларни, шунчаки иккиланиб турганимизни қандай изоҳлаш мумкин. Бу нима? Ғофилликми ёки мерос лоқайдликми? Бу ҳолатлар одамни чуқур хаёлга солади.

Юқоридаги ҳолатларда миллий онг ўзини нечук тутади? Сиёсий маданиятимиз қай аҳволда? Келинг, шарқона ҳикматларга мурожаат қилайлик. Мустақиллик боболаримизнинг қони, жони, орзу-умидлари эвазига қозонилган буюк ва оламшумул ғалабадир. Биз энди Машраб исёни, Чўлпон, Фитрат ва бошқа улуғ маърифатчиларнинг ҳаёти ва ўлими сабабларидан аниқ хулоса чиқариб, бугуннинг дафтарига — истиқлолимиз мафкурасига тегишли сатрларни ёзишимиз керак.

Жавоҳарлал Неру «Ҳеч бир азоб-уқубатлардан қўрқмай Ҳиндистон келажаги учун табассум ва иштиёқ билан илгарилаётган эркаклар ва аёллар, ўғил-қизларни кўрмоқ нақадар ажойиб мўъжизадир!» — деган эди. Шу ўринда бошқа тарзда айтилган, лекин биз бугун чанқоқлик билан излаётган туйғуга жавоб бўлувчи Алишер Навоий бобомизнинг қуйидаги сўзларини қиёсан келтирмоқни истар эдим: «Мусофир бўл, аммо Ватан ичра бўл, тила, хилвату анжуман ичра бўл!».

Биз бугун мустақиллик ва мафкура шунга уйғун тарзда кадрлар масаласига қайси нуқтадан қарамайлик, сурункали мустамлакачилик тарғиботи ва тартиблари қолдирган меросни, Ўзбекистоннинг геополитик мавқеини, Ислом дунёсидаги ўрнини, жаҳон ҳамжамиятида ярқ этиб порлаган юлдузини ва ниҳоят собиқ Иттифоқнинг юз минглаб нуқталари билан чамбарчас боғланиб қолган иқтисодий, молиявий ва ҳ. к. занжирларни эътиборга олмасдан иложимиз йўқ.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганларидек, мустақилликнинг файзу ҳавосига тўйиб бўладими?! Сўзсиз, биз дарҳол фазоларга эркин парвоз қилгимиз, қанотларимизни ердан узиб, юксаклаб кетгимиз келади. Лекин ҳар бир парimiz юқорида айтилган занжирлар билан банд-кишан эканлигини дарҳол сезамиз. Мустақил, эркин парвоз биздан узоқ ва машаққатли тайёргарликни, куч ва ақл билан ҳаракат қилишни талаб этади. Бугун ой билан кундек равшанки, Ўзбекистон Президенти биринчилардан бўлиб илгари сурган ва ҳаётга татбиқ қилишга киришган, халқимиз кенг қўллаб-қувватлай бошлаган бозор иқтисодиётига, бошқарувнинг демократик ҳуқуқий мавқеига босқичма-босқич ўтиш концепциясининг илдизлари ғоят чуқурдир, айни мазкур тарихий шароит учун Президентимиз олиб бораётган йўл энг тўғри ва адолатли, узоқни кўзлаб танлаган йўлдир. Кеча иккиланиб, ўзини четга тортиб турганлар ҳам бугун тан бердилар ва ишлаш истагидалар.

Юқоридаги объектив ҳолатлар ўз-ўзидан бир қанча масалаларни туғдиради. Мустақиллик — умумий орзу-армонларнинг рўёби ўлароқ, айрим сўзамоллар айтганидай афсонавий қудратнинг тортиғидек осмондан ногаҳон тушмайди ва тушмаган. Унинг ҳар дона ғиштини, устуни ва йўлларини ҳар биримиз кундалик меҳнатимиз, бетиним интилишларимиз билан фақат ўзимиз бунёд этамиз. Худди шу нуқтада меҳнатга муносабат ҳам янгича бўлмоғи зарур, токи одамлар онгли меҳнат қилсинлар, «Мен Ўзбекистон учун ишлаяпман!», «Мен бугун Ўзбекистоним дея яшаяпман!», «Бу ер, бу мулк мениki, мен уни ҳимоя қиламан!», «Бу тупроқ, бу бойликлар бола-чақамнинг ҳақ-ҳуқуқидир!».

(Давоми 2-бетда).

УСТОЗЛАРДАН МИННАТДОРМИЗ

Имтиҳонлар, ҳаяжонли дамлар. Ўғил-қизларнинг йил давомида фанларни нечоғли ўзлаштирганликлари синовдан ўтказилмоқда. Бир неча кундирки, республикамиздаги барча мактабларда синфдан синфга кўчириш, битириш имтиҳонлари давом этаяпти.

Ҳа, яна саноқли кунлардан сўнг кимдир юқори синф ўқувчиси бўлса, бошқаси жонажон мактаби, устозлари, тенгдошлари билан хайрлашади, мустақил ҳаётга киради, жамиятдан ўз ўрнини топишга интилади.

Мирзо Улуғбек туманидаги 64-ўрта мактабдан ҳам бу йил 63 нафар ўғил-қизлар мустақил ҳаётга учирма бўлиш арафасида турибди. Қизғин имтиҳонлар, синовлар ва ҳаяжонли дақиқалар эса давом этмоқда. Куни кеча улар адабиёт фанидан имтиҳон топширишди.

— Ҳаётдаги ҳар бир кунимиз, дақиқалар имтиҳонлардан иборат, десам янглишмайман. Айниқса, мактабни битириш давридаги имтиҳон олдимизга улкан масъулиятни қўяди. Мақсуд Бўрнев: — Чунки биз энди мактаб ўқувчиси эмас, балки жамиятга ўз улушини қўша оладиган даражадаги кишилармиз. Эҳтимол, келажакда синфдошларимиз орасидан олимлар , шифокорлар, машҳур қурувчилар ҳам етишиб чиқар. Лекин ким бўлмайлик, бизга сабоқ берган устозларимиз, мактабимиз ҳамиша қадрдон бўлиб қолаверади.

Рустам СОЛИҲОВ: — Мактабда кўп имтиҳонлар топширдик, лекин бу йилгиси бошқачароқ. Аввалларн шунчаки, синфдан синфга ўтиш учун бўлса, буниси эса бизга сабоқ берган, қалб қўрини тўкиб, кўзимизни очган устозлар қадр-қимматига етишни, мактабдан олган илмларни ҳаётга татбиқ этишдаги айрим камчиликларимизни кўрсатиб беришда ҳам ёрдамлашаяпти.

Яна саноқли кунлар... Мактаб даври, ўқувчилик қувончларию, синфдошларнинг шодон кулгилари, ҳамма-ҳаммаси билан хайрлашамиз. Бироқ Шарифа Хўжаева, Замира Иватова, Гуллола Ирисметова, Дилдора Абдуллаева каби ўнлаб муаллимларимиз кўрсатган ғамхўрликларини фақат эзгулик ишларда жамиятга, халқимиз фаровонлиги йўлида сарфлаймиз. Сизлардан миннатдормиз, азиз устозлар!..

СУРАТДА: 64-мактаб ўқувчилари адабиётдан имтиҳон топшираётган пайт.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат.

БИЛИМ МАСКАНЛАРИГА ЯНГИ БИНОЛАР

Фарғона вилояти Ёзёвон туманида Алишер Навоий номли ўрта мактабнинг янги биноси ишга туширилди.

Бугунги бозор иқтисоди даврида катта қийинчиликлар эвазига бунёд этилган мактаб ўқитувчилар ва ўқувчилар жамоасига маъқул бўлди. Уни қуришда Навоий номли давлат хўжалиги раҳбарлари ва Н. Камолов раҳбарлик қилаётган 81-кўчма механизациялашган колонна ишчилари жонбозлик кўрсатишди.

Н. ҲАЙДАРОВ.

●

Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги А. Папанин номли мактабнинг янги биноси қурилиши ниҳоясига етказилиб, фойдаланишга топширилди. Мактаб очилишида туман ҳокими Б. Жуманиёзов иштирок этди ва ўқитувчилар, ўқувчилар жамоасини қувончли воқеа билан самимий табриклади. Шунингдек, Кегайли туманидаги С. Нуримбетов номли мактабнинг 422 ўринли янги биноси ҳам ишга туширилди. Янги илм даргоҳини «Агропромстрой» трестининг 544-кўчма механизациялашган колоннаси қурувчилари бунёд этишди.

Ғ. ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз.

КЎНГИЛ ЧИРОҒИ

«ЎЗБЕКИСТОН: БАРҚАРОРЛИК ҚАДР-ҚИММАТИ» МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ...

Якшанба куни бир мавзеда истиқомат қилувчи танишимни учратиб қолдим.

— Пильнякни ўқидингизми?, — деди у ҳаяжон билан. — «Халқ сўзи»да. Америкалик журналист Ўзбекистон, Каримов ҳақида ёзибди. Чет эллик билмай бир нарса демайди. Минг шукр, кўп халқларга қараганда ўзимиз яхши яшар эканмиз. Президентимиз ҳам чакана раҳбарлардан эмас экан-а? Қаранг, ундан ўрнак олиш керак деб ёзибди. Нобель тинчлик мукофотига номзод қилиб кўрсатиш керак, дебди. Ўқидингизми?

— Ўқидим, — дедим ва фикр билдириш учун оғиз жуфтлаганча қолавердим.

— Ҳа, албатта, ўқинг! — деди у жавобимни эшитмагандай.

Танишим ошиққанча кетди-ю мен ҳаёлим чувалашиб қолавердим. Хорижлик муаллиф Владимир Пильнякнинг АҚШдаги «Новое русское слово» газетасида босилган «Ўзбекистон: барқарорлик қадр-қиммати» деб номланган мақоласи чиндан ҳам эътиборга молик, эҳтиромга лойиқ. Мени бошқа нарса ўйлантирганди. Худди шу танишим Президентимизнинг чет эллардан бирига қилган сафари якунига оид, журналист ҳамюртимиз Владимир Пильнякка ҳамоҳанг руҳда ёзган мақолани ўқиб, бутунлай бошқа гапларни айтган эди:

— Ўқидингизми? Президентни мақтабди. Бирга бориб келган экан. Бошқа яна нима десин? Бир нияти бор бўлса керак. Бекорга ёзмайди.

Ажабки, ўз раҳбаримиз қилаётган яхши ишларни эътироф этиб гапирган, ёзган ўз мухбиримизни бирон мартаба илинжида юрган киши сифатида баҳолаймиз. Четдан бирон киши худди шундай муносабат билдирса, жаҳон кўрган киши-да, дея қулоқ осамиз.

Бу фикрларни ёзишимдан мақсад Владимир Пильнякнинг мамлакатимиздаги воқеаларга холис муносабати менда ҳам эҳтиром уйғотганлигини айтишдангина иборат эмас. Мени Пильняк қоғозга туширмаган, аммо матн тагзаминида ётган фикр кўпроқ ўйлантириб қўйди. Яшаётган мамлакатидан ғурурланиш, юртбоши амалга ошираётган эзгу ишлардан фахрланиш каби чет элларда аллақачонлар русм бўлган одатлар бизда ҳали тўлиқ шаклланмаган, тўғрироғи шаклланиш жараёнида. Давлат халқ тимсоли, президент давлат тимсоли эканлигини, чамаси, эндигина англаб етаётирмиз.

Ҳолбуки, давлат барқарорлигига унинг ичкарисидаги осойишталик ва интизом мезон, бундай мамлакат мустаҳкам давлатдир. Қадим донишмандларнинг бу ҳақдаги фикрлари шундан далолат беради. Ён дафтаримга қай бир алломадан шунга оид кўчирма олган эканман. Унга кўра, ҳар қандай давлат уч ҳолда тартиб-осойишталикка эришади. Биринчидан, қонун яхши бўлса. Иккинчидан, фуқаролар мавжуд қонунларга итоат этсалар. Учинчидан, давлат ҳаёти қонунсиз ҳам ахлоқ ва урф-одатлар ўзанидан четга чиқмаса. Шундай қилиб, давлатда тартиб барқарор бўлиши учун, биринчидан, қонунлар пишиқ бўлиши, иккинчидан, мавжуд қонунларга риоя этилиши, учинчидан, ахлоқ ва урф-одатларга изчил амал қилиниши лозим.

Бугунги кунда Ўзбекистонда юқоридаги уч шартга қатъий амал қилинаётир. Президентимиз бошчилигида, пешқадам давлатларнинг йирик мутахассислари эътироф этганларидек, мукаммал Конституциямизни яратдик. Халқимиз онгида қонунларга ҳурмат туйғуси мавжуд. Бой миллий қадриятларимиз бор. Шундай фикрласак, эл саркорига ҳурмат — халқнинг ўзига кўрсатилган эҳтиром, халққа кўрсатилган эҳтиром — ота-боболар урф-одатларига нисбатан меҳр тимсоли эканлигини англаймиз.

Мен баъзан, наҳотки, ота-боболаримиз демократик эркинлик қонун доирасидаги, маънавий мезонлар кўламидаги эркинлик эканлигини биздан кўра яхшироқ билишган, дея ўйлаб қоламан. Қадриятларимиз ахлоқий турмуш мезони эканлиги бунга шаҳодат. Ҳатто Америкадек мутараққий давлатлардаги демократия устиворлиги қонун доирасидаги эркинлик, қонун устиворлиги демократия доирасидаги чекланганликдир.

Ҳар қандай боғбон ўз боғини авайлаб-асрайди. Бу мажбурий эмас, ихтиёрий эҳтиёж. Боғбон учун ҳар дарахт бирдек азиз: олмаси-ю ўриги ҳам, анори-ю чинори ҳам. Олма мўлроқ ҳосил берсин, дея ҳеч бир боғбон ўрик илдизига болта урмайди. Лекин боғи ажриқзор бўлиб ётишига йўл қўймайди, томорқасини чирмовуқ босиб кетишининг олдини олади. Юртбоши боғбонга ўхшайди. Яхши боғбонга кўрсатилган эҳтиромга у ҳам муносиб. Владимир Пильняк буни чуқур англайди: «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хавфсизлик кенгаши Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг сиёсий фаолиятига эътибор бериб, беқарорлик давом этаётган кўпгина давлатларнинг раҳбарларини унинг тажрибаси билан таништирса, ёмон бўлмас эди», — деб ёзади у.

Шундан кейин, мустақил давлатнинг мустақил раҳбарига бундай илиқ муносабат билдирган Владимир Пильнякнинг баъзи нисбий фикрлари, хусусан, ақидапарастлик ҳақидаги мулоҳазаларга эътироз билдириб ўтириш ортиқчадай туюлади. Танқидий мулоҳаза чуқур асосларга эга бўлмасада, ҳолислиги учун узрлидир. Гап ростдан ақидапарастлик ҳақида кетар экан, бу ўринда Президентимизнинг, биз коммунистик ақидапарастликка ҳам, ислом ақидапараестлигига ҳам мутлақ қаршимиз, дея айтган гапларини келтириш ўринли. Шундан келиб чиқиб мулоҳаза қиладиган бўлсак, ақидапарастлик демократияга нисбатан ҳам номувофиқдир.

Ҳа, мустақил Она-диёримиз ҳозирча ҳам иқтисодий, ҳам маънавий ёрдамга муҳтож. Владимир Пильняк яқин вақтларда Ўзбекистонда яшаган, эндиликда Америкада муқим турган кишиларни меҳмондўст ўзбек халқини қўллаб-қувватлашга чақиради. Бу самимий истаги учун ҳам унга чуқур миннатдорчилик билдирган ҳолда, муаллиф қоғозга туширмаган, аммо Ватан тақдирига ўзини дахлдор деб билган ҳар бир кишига аён фикрни алоҳида таъкидлагинг келади. Ватанга ҳеч ким ўз фарзандидек ёрдам беролмайди. Ахир, чироқ ҳам ичдан нур таратади. Кўнгил чироқлари мустақил Ўзбекистон меҳридан нурланиб турар экан, истиқлол йўллари тобора равшан тортиб бораверади!

Саъдулла ҲАКИМ.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ГОНОРАРЛАР ВА ФАХРИЙ УНВОНЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ҲАҚ МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг илмий ва ижодий салоҳиятини сақлаш ва мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикасида таъсис этилган фахрий унвонлар нуфузини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ҳар ойда бериладиган гонорарлар ҳамда фахрий унвонларга эга бўлган кишиларнинг иш ҳақи ва пенсияларига қўшимча ҳақ миқдори шу йил 1 июлдан бошлаб иловага мувофиқ белгилансин.

Белгилаб қўйилсинки, гонорарлар ва қўшимча ҳақни тўлаш билан боғлиқ харажатлар бюджет, Пенсия жамғармаси, шунингдек хўжалик ҳисобидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Пенсия жамғармаси, Ижтимоий таъминот вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддат ичида юқорида айтиб ўтилган гонорарлар ва қўшимча ҳақларни тўлаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Илгари тугатилган фахрий унвонларга ҳақ тўлаш бекор қилинсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 16 ноябрдаги 536-сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 31 декабрдаги 600-сон қарорининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 7 июнь,
274-сон.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 1993 ИЙЛ 7 ИЮНДАГИ 274-СОН ҚАРОРИГА ИЛОВА

ГОНОРАРЛАР ВА ФАХРИЙ УНВОНЛАР УЧУН ҚЎШИМЧА ҲАҚ МИҚДОРИ

Фахрий унвонларнинг номи	Ойлик гонорар ва қўшимча ҳақ миқдори
1. Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси	республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 2 баравар ҳажми миқдорида
2. Фанлар академиясининг мухбир аъзоси	Фанлар академияси академиги гонорари миқдорининг 70 фоизи
3. Тармоқ (қишлоқ хўжалиги, тиббиёт) академиясининг ҳақиқий аъзоси	Фанлар академияси академиги гонорари миқдорининг 60 фоизи
4. Тармоқ (қишлоқ хўжалиги, тиббиёт) академиясининг мухбир аъзоси	Фанлар академияси академиги гонорари миқдорининг 50 фоизи
5. Ўзбекистон халқ ёзувчиси	республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорида
6. Ўзбекистон халқ шоири	республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорида
7. Ўзбекистон халқ ўқитувчиси	республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорида
8. Ўзбекистон халқ рассоми	республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорида
9. Ўзбекистон халқ артисти	республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорида
10. Ўзбекистон халқ ҳофизи	республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорида
11. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби	республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорида
12. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби	республикада белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорида
13. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист	республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 80 фоизи
Бошқа тармоқларнинг хизмат кўрсатган ходимлари:	республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг 60 фоизи
14. Хизмат кўрсатган архитектор	—"—
15. Хизмат кўрсатган журналист	—"—
16. Хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими	—"—
17. Хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор	—"—
18. Хизмат кўрсатган ирригатор	—"—
19. Хизмат кўрсатган қорақўлчи	—"—
20. Хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси	—"—
21. Хизмат кўрсатган саноат ходими	—"—
22. Хизмат кўрсатган алоқачи	—"—
23. Хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими	—"—
24. Хизмат кўрсатган бинокор	—"—
25. Хизмат кўрсатган спортчи	—"—
26. Хизмат кўрсатган маданият ходими	—"—
27. Хизмат кўрсатган маиший хизмат соҳаси ходими	—"—
28. Хизмат кўрсатган транспорт ходими	—"—
29. Хизмат кўрсатган спорт устози	—"—
30. Хизмат кўрсатган пахтакор	—"—
31. Хизмат кўрсатган пиллачи	—"—
32. Хизмат кўрсатган иқтисодчи	—"—
33. Хизмат кўрсатган юрист	—"—
34. Хизмат кўрсатган чорвадор	—"—
35. Хизмат кўрсатган халқ таълими ходими	

ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ ВА КАДРЛАР СИЁСАТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бир нарсага ишончимиз комил бўлсин — давлат мустақиллигига эришдик, аммо унинг замирида, асосида иқтисодий мустақиллик ётмоғи зарур. Иқтисодий мустақилликка эришмоқ эса республиканинг ҳар бир фуқаросига боғлиқ. Ҳар бир ўзбекистонлик инсон ўз ақлини, салоҳиятини, куч-қувватини ишга солсагина жумҳурият иқтисодий мустақил бўлади, ғалла, нефть, шакар илинжида бошқа мамлакатлар қовоғига қараб ўтирмайди.

Масаланинг яна бир томони борки, бу шахс мустақиллиги масаласидир. Президентимиз яқиндагина бўлиб ўтган парламентимизнинг май сессиясида ҳаммани жасоратга, ташаббускорликка чақирдилар. Тўғрида. Нафақат республика, балким вилоят, туман, ҳар бир корхона ва унинг ҳар бир аъзоси имкониятларини тўла ишга сола олсин. Давлат озодлиги — озод шахслар орқали амалга ошади.

Кўрамизки, гап дарҳол Миллий манфаатларга келиб тақалади. Мустақиллик Миллий манфаатларнинг ўйғунлигидир. Шубҳасиз, бу уйғунликка эришиш учун узоқ тер тўкиш керак. Бу жараёнда миллий онгимиз ўзини қай даражада кўрсатади? Сиёсий маданиятимиз бизни уялтириб қўймайдими? Миллий иззат-нафс, ғуруримиз «умуминсоний» қадриятлар қаршисида қандай мавқеда бўлади? Миллат бирлиги йўлида сиёсий ҳаракатлар бирлигига эриша оламизми? Эътибор қилинг, бугун Ўзбекистонда юз бераётган, кимларнингдир назарида гўё «секин кетаётган» иқтисодий, ижтимоий, сиёсий жараёнларга ташқаридан, бошқа давлатлар тажрибалари ойнасидан қарасак, яна Ислом Каримовнинг жасоратли сиёсати меваси бўлган Ўзбекистоннинг истиқлол ва тараққиёт йўли нақадар актуал, замонавий ва узоқни кўзлаган стратегик концепция эканлигини яққол кўрамиз.

Истиқлолимизнинг дастлабки ойларини эслаб кўрайлик. Агар айрим сиёсий гуруҳ, ҳаракат, дин пешволари катта-кичик майдонларимизда «Ўз тарихий ҳақликларини» аввал хитоб билан, кейин дўқ билан, сўнг «сур-сур» билан, ва охири «ур-ур» билан намойиш қила бошлаганларида оқибат нима бўлиши мумкинлигини Тожикистон мисолида кўрдик-ку. Энди шукурлар бўлсин, енгил нафас олиб, тин олиб яна бир бор ўйлаб кўришга имконимиз бор. Ҳа, имконимиз! Бу имкон бўлмаслиги мумкин эканлигини тўрт томонимизга қараб оддий назар билан ҳам ҳар бир киши кўриши мумкин.

Шу ўринда фикрлаш учун халқимизнинг «Йўлда игна ҳам юк», «Тез пишар мева узоқ турмайди», «Икки сўрида бирданига ўтириб бўлмас» деган доно сўзларини эслаб кўриш зарар қилмайди. Овруполиклар «Шарқ, бу — нозик масала», деб кўп таъкидлайдилар. Аммо юртимизга ўтган асрда ҳам, бу асрда ҳам босқин қилган кучлар бизнинг нозик кўнглимизни, илоҳий даражада муқаддаслашган оила, уй-яшаш тарзимизни, анъаналаримизни, инжа санъатимизни бир пулга олмадилар! Биз бугун ўз тўғри ва орифона сиёсатимиз билан, ўзимизга хос ер илми, иш илмимиз билан дунё илғор тажрибаларига тенглик асосида суянган ҳолда оламга чиқишни истасак, энди ҳам «Йўқ, ундоқ эмас, бундоқ!», «Бу йўлдан эмас, бу йўлдан!» дегувчи «ҳомий-доқийчалар» ва уларнинг ҳамроҳлари пайдо бўляпти.

Мустақиллик масъулияти ҳақида ҳам ўйлаб кўриш муҳимдир. Жойлардаги айрим раҳбарларнинг таъмагирлиги, порахўрлиги меҳнаткашларнинг ғашини келтирмоқда. Қатор вилоятларда ишни эплай олмаганлар лавозимидан четлаштирилди. Президент ташаббуси билан, раҳбарият ҳаракатлари натижасида тозариш ишлари ўтказилиб, янгича фикрловчи, ҳалол, малакали кадрлар ишга тайинланмоқда. Аммо ошкор бўлиб қолган қаллобликлар ҳақида ўйласанг, ҳайрон қоларкансан, киши. Қўли кир, дили кирлар ўйламайдиларки, бугун мустақил давлатимиз. Кеча қилинган айбни буюришди-қилдик, дея Москвага тўнкаб кетиш мумкин эди. Бугун юз берган ҳар бир ножўя ҳаракат мустақил давлатимиз юзига доғ бўлиб тушиши мумкинлигини ҳар бир фуқаро, айниқса, раҳбар киши билиши шарт.

Демак, мустақиллик бугун бизнинг республикамиз учун шунчаки бир янги сиёсий вазият, сифат ё унвон эмас, чинакамига ҳар томонлама ҳимояга муҳтож, нафақат кучли шахсларнинг, ҳар бир фуқаронинг фидойилиги, фаоллигини талаб қиладиган улкан қалъадир. Демак, бугун миллий ҳистуйғулар, ватанпарварлик, ғурур ва жасорат ғоят тарихий зарур факторлар бўлиб майдонга чиқади.

1991 йилги Олий Кенгашнинг VII сессияси, шубҳасиз, ҳаммамизнинг ёдимизда. Ўша кунги аҳвол нафақат собиқ Иттифоқда юз берган ва бўлаётган алғов-далғовларнинг инъикоси, шунингдек, янги давлатимиз, миллатимиз учун иқтисодий, сиёсий йўл танлаш масалалари билан ҳам боғлиқ эди. Ҳар биримиз Кенгаш ҳайъатидан ва залда ўтирганларнинг ҳолат ва ҳаракатларини гоҳ ҳайрат, гоҳ қўрқув, кўпроқ ғазаб туйғулари билан кузатган, қонуний ишторокчиларига айланган эдик. Ўйлайманки, республика телевидениесидан бу йиғилишни тамошо қилган ҳар бир ҳалол ва фаол инсон дарҳол яна миллатимиз, яна давлатимиз келажагини ўйлаб, чуқур ташвиш ва изтиробга тушган эди.

Ёдингизда бўлса, ўшанда сессияда фитнакорлар бехос қўзғалиб, минбардан биринкетин юртбошимизга қаратилган иғво гапларни айтиб, лавозим даъво қила бошладилар. Зал ҳайратда қолди. Президент номига ва шаънига ёғилаётган туҳмат ва ҳатто ҳақоратлар кимларнингдир қоқ юрагига бориб урилаётган бўлса, кимларнингдир мудроқ бошларининг ёнидан, тегмай ўтарди. Ўша вақтда Президент ҳимоясига бирон-бир сўз айтишни ўзига эп кўрмаганлар ёки бунга жасорат ва журъат топа олмаганлар ҳозир қаердалар? Бор! Ҳеч нарса билмагандек ўз хизмат «юмшоқ» курсиларида бемалол ўтирибдилар. Қора булут эсон-омон узоқлашганини кўрганлар бетларини қаттиқ қилиб яна «садоқат» билан хизматга тайёр эканликларини изҳор эта бошладилар.

Амир Темурни эсланг, «Агар душманлар ўз ерини ҳимоя қилиб, бизга қарши қилич кўтарган бўлсалар, уларни тушуниш, ҳурмат қилиш мумкин». Хўш, ўша сессиядаги «найзабозлар» кимлар эди? Мақсад нима эди? Ватанпарварлик туйғуларими, халқ манфаатларими ёки тўғрироғи, президентлик курсиси эдими?

Бугун ўша сессиянинг сири ошкор бўлди: бир неча халқ депутатларидан пинҳона сессияни «тайёрлаш ишчи гуруҳи» тузилган — кейин айнан шу гуруҳ аъзолари мўътабар мажлис раисининг ижозати билан бирин-кетин сўз олганлар. Ҳозир аён: ўша нутқларни ким ёзиб берган, қайси ерда чоп қилинган, устидан ким кўриб берган! Варақалар мўътабар идорада кўпайтирилгани ҳам маълум. Кейинчалик шу ишга яқин депутатлардан бири: «Бу фитнанинг илдизи шу залдан бир километр атрофида», — дегани ҳам ҳақиқатга яқиндир.

«Фитначилар» халқ орасида ҳурматли депутатларни ҳам икки-уч тун тинимсиз «ишлаб», ўз томонларига оғдирмоқчи бўлганлар, ҳокимиятни «олсалар», зўр мансаблар беришни ваъда қилганлар. Биров ваъдага учган, биров учмаган. Бугун ҳаммаси аниқ бўлди. Халқ депутатини 30—35 минг киши сайлаган, у бир қоғозга қўл қўйишдан олдин шу одамлардан рухсат сўрадими, сайловчилар фикрини билдимикин? Умуман бугун бир ҳақиқат қарор топмоқда: эл, умумхалқ сайлаган Президентни бирор-бир мажлисда, ҳатто парламентда ҳам ишдан олиб бўлмайди. Чунки, халқ сайлаган Президентга қарши бориш — халқнинг иродасига, фикрига қарши бориш демакдир.

Ҳадис китобларида келтирилганидек, «Оғзингдан беихтиёр чиқиб кетган қасам учун гуноҳкор қилмагайдир, лекин дилингда туғилган ёмонликлар учун гуноҳкор қилгайдир». Вақт шундай буюк ҳакамки, жамиятдаги ижтимоий жараёнларни ҳам гоҳ олов билан қиздиради, гоҳ қор-сув билан эълайди, ювиб тарайди. Манзара аниқлашади. Бугун бир қанча депутатлар бироз кечикиб бўлса ҳам, ўша сессиядаги ҳатти-ҳаракатлари учун узр сўраб келмоқдалар. Ва ўшанда кимлар «худо мақсадга етказса», ўзларига қанча-қанча мансаблар, аниқ лавозимлар ваъда қилганликларини айтмоқдалар. Ҳайрон қоласан киши. Амир Темур бобомиз душман томондан сир сотиб ўзларига келганларни қабул қилганлар, аммо яқин олмаганлар. Зеро бугун душманни бизга сотганлар, эртага бизни ҳам кимгадир сотади. Ўшандан худо асрасин.

Хўш, бу ерда ватанпарварлик мезони нима билан ўлчанади? Ўтган ишга салават, деб қўл силкиб қўя қоламизми ёки халқимизнинг «Ёмонга раҳм этсанг, яхшини ўлдирасан», деган ҳикматини эслаб, қаттиқ иш тутамизми?! Президентимиз Ислом Каримовнинг Андижон, Жиззах ва Сурхондарё вилоятларидаги салбий ҳодисаларга ўз вақтида кўрган кескин, айни пайтда оқилона чора-тадбирларини халқимиз тўла қўллаб-қувватлайди. Бу йўл оғишмай давом этади.

Маҳаллийчилик — миллатнинг ёви. Кўпгина ҳуқуқбузарликлар, қонунбузарликлар, ҳатто уюшган жиноятчиликнинг ҳам илдизларидан бири — маҳаллийчиликка бориб тақалмасмикин? Тўғри, ўзбек кўп уруғлик халқ. Ҳар бир уруғнинг тарихига боқсанг, афсоналаримиз, нурли эртак ва қўшиқларимиздан мисол олсак, биламизки, этник хусусиятлар миллатни ажратувчи, бўлакларга пароканда қилувчи эмас, аксинча, улуғловчи, бирлаштирувчи хусусиятлардир. Айни фозил кишилар учун миллат туйғулари ана шулар воситасида шаклланади, мужассамланади. Ғоят мураккаб шароитларда яшаб, халқ тарихини чуқур билган, олам-олам ҳусусиятларини улуғлаган Ғафур Ғулом: «Қадим ўзбек халқисан, асл одам авлоди!», дея олди.

Бугун Президентимиз халқ генофонди — соғлом авлод учун алоҳида рағбат, ташаббус кўрсатар экан, ёш истеъдодлар учун кўламли жамғармалар жорий этар экан, нафақат бундан ёшларимиз, бутун республика аҳли нақадар мамнун эканлигини биламиз. Ҳар биримиз, хўш шу фармонлар ҳаётга тез ва самарали татбиқ этилиши учун, энди ўзбек миллати фарзанди камолоти, ғурури XXI аср баландлигида озод юксалиши учун шахсан нима қилишимиз керак, деган саволни ўзимизга берайлик. Юртга эгалик қилиш ҳисси миллатнинг ҳеч бўлмаса биттагина фарзандининг бошини силашдан бошланади, худди шу жойда юрак учун ҳам, халқ учун ҳам Маънавий покланиш деган муқаддас жараён бошланади, ҳаракатга келади.

Ерга, мулкка эгалик ўзўзидан уни ҳимоялаш, кўркамлаштириш туйғуларини келтириб чиқаради. Худди шу ўринда миллат бирлиги, оила мустаҳкамлиги ва поклигига, юрт маънавиятига боғлиқ яна бир жиҳат пайдо бўладики, буни соддагина қилиб, бу бизнинг Миллий маърифатимиздир, деб ғурурлансак арзийди.

Бундан бир неча йил бурун ижодкорларимиз республикада «пахта иши» ниқоби остида собиқ марказ бошлаган айёрона кампанияга қарши орият билан, дадил чиқишлар қилишган эди. Шу ва шунга ўхшаш қатор ҳаққоний мақолалар учун халқимиз ёзувчиларимиздан ғоят миннатдордир.

Бугун республикамиз Президенти, Олий Кенгаши жорий этаётган қонун ва фармонларнинг республикамиз истиқболи учун нечоғ аҳамиятли эканлигини биламиз. Беҳуда мадҳ, даъватлар даври ортда қолди. Ўтиш жараёнида қандайдир «мафкуравий бўшлиқ» борлигини сездик. Уни тўлдиришга ижод аҳлининг ҳам қўламдор, тошбосар, эҳтиросли сўзи зарур. Асрлар бўйи орзу қилинган Мустақилликка эришилгач, энди уни эъзозлаш, одамлар дилига эзгу туйғулар солиш, тараққиётга даъват этишда ижод аҳлининг алоҳида ўрни бор.

Элимиз ўз зиёлиларини қадимдан азиз ва мўътабар тутади, маърифатчилар деб билади. Тарихнинг ҳар қандай қирғин қатағонларида ижодкорларимизни ана шу маърифий руҳ, илм ташкилотчилиги тарк этмаган. Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Суфи Оллоёр ва бошқа қатор руҳоний қалблар ижодига чуқур разм солсак, Ислом маърифати уларга халқимизга ёруғлик тарқатиш учун ҳаётбахш восита бўлганлигини ҳис этамиз. Уларнинг сўзлари масжиддан ташқарига чиқмайдиган қайтариқлар эмас, инсонни юксакликка чорловчи нурли чақириқлар эди.

Энди андак истиҳола билан баъзи мулоҳазаларни билдирмоқчимиз. Бугун ёзувчиларимиз корхонасига назар солсангиз, бироз изза бўласиз, кўп нарсаларни айтишга тортинасиз. Неча авлод адибларининг ватанпарварлиги, умри, ҳаёти, жони эвазига Мустақилликка чиққанимизда бугун битта ажойиб ташкилот иккига бўлиниб, «рўзғор бошқа, қозон бошқа» қилиб ўтиришлари тўғримикин?

Ватанпарварлик туйғуларини жўрттага кичрайтирмоқчи эмасмиз, лекин маънавият масалаларида кичик муаммонинг ўзи йўқ. Яна ва қайта-қайта муаммо кадрларга келиб тақалади. Бу ерда ҳам эндиликда кучли ташкилотчи кишилар, умумманфаати, ёзувчилар бирлиги учун фидойилик кўрсатиб, кексаларнинг ҳам, ёшларнинг ҳам бошини силай оладиган, жасоратли, ҳалол раҳбарлар керак. Мутахассис бўлмаган кишига ҳам кундек равшанки, Ўзбекистонда янги Конституция қабул қилинди, ҳар иккала ижодий ташкилот, агар уларнинг баъзи раҳбарлари кўпчиликдан ажралиб, ёлғизланиб қолмаган бўлсалар, бугун мардона ва баралла айтишлари керак: «Биродарлар, ҳамкасблар! Иттифоқнинг ҳам, уюшманинг ҳам дастур ва низомлари эскирди, улар собиқ тузум мафкураси таъсирида тузилган эди. Келинг, ўз ваколатларимизни топширайлик, дастур ва низомларимизга Мустақиллик даври руҳини киритиб, бирлашайлик, ташкилотимизни янгилайлик, Дўрмон боғларида яна илҳом, ижод қайнасин. Гуррос-гуррос вилоятларга чиқайлик, энг олис ҳудудлардаги жамоалар, корхоналар, мактабларда, далаларда, хонадонларда истиқлол мафкураси нурларини тарқатайлик!».

Чор қўшинлари Ўрта Осиёга юриш қилганларида дастлаб энг баланд иморатларни бузганлар, маърифатли кишиларнинг пайини қирққанлар, деҳқон ўз кетмони билан ёлғиз қолиб кетган. Ўзбекларнинг бир қисми эса «хориждаги ўзбек»ларга айланиб, Ватан, миллат, тупроқ, имон туйғуларини олисларда мислсиз қувғинлар, қатағонлар, сарсон-саргардончиликларда сақлай билганлар. Демак, Ватан кучли шахслар, соғлом тафаккур эгалари, дини, имони ҳалол, покиза кишиларнинг ҳисобига бойдир, ўлмасдир. Қувонарлиси шундаки, бугун ёзувчиларимиздан, ижодкор зиёлиларимиздан истиқлолга хизмат қилиш борасида кўплаб ташаббус, таклифлар битилган хатлар ҳам келмоқда. Ҳар бир истеъдодли ижодкор—Ўзбекистонимизнинг бебаҳо миллий бойлигидир. Ҳар бир истеъдодни ҳимоялаш—бизнинг бурчимиздир. Куни кеча Ўзбекистон Президенти республикада чиқадиган газета ва журналларнинг, журналистларнинг шарт-шароитларини яхшилаш, муҳим имконлар яратиб бериш белгиланган махсус фармойишини имзолади. Ҳа, давлат ўз маданият хазинасини мунтазам бойитиш чора-тадбирларини кўраверади.

Мамлакатимизда ҳар ҳафтанинг жумасини Маърифий кун деб белгилаб, ўша куни ҳар бир жамоада маданият, адабиёт, санъат ва фан юзасидан махсус ўқувлар, лекциялар ташкил этилса, ўзаро фикр алмашилса. Хонадонларда эса қадим анъанамиз — китоб мутоаласи қайта тикланса. Жойлардаги ҳокимлар, ташкилот, муассаса ва хўжалик раҳбарлари ана шу тадбирларга Маънавий интизом сифатида қараб, уларни жиддий назорат қилиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Бугун асосий эътибор ёш ватанпарварларга қаратилиши керак. Бунга жойлардаги мутахассис кадрларнинг, шунингдек, марказдаги тегишли ташкилотларнинг ҳам фаол ҳаракати лозим. Ёшлар, ёш ватанпарварлар ҳаракатини жонлантириш учун тегишли дастур ва амалий тадбирлар жорий қилиш пайти келганлигини алоҳида айтиб ўтиш даркор. Октябрят, пионер, комсомол каби собиқ мафкура қурилмаларидан фарқли, афзал ва устун, ёшлар ташаббускорлигидан ибрат олиб ишлайдиган, сиёсий мажбуриятларсиз, руҳан ва мазмунан янги тарбия тизимларида татбиқ қилишни ўйлаб кўриш лозим.

Космик кузатишлар, замонавий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тупроғимиз XXI асрда Ўзбекистонни дунёвий етакчи ўринларига чиқарадиган бой қазилма бойликларига эга. Болаларга дунёвий билимлар бериш, замонавий ўқув қурол-аслаҳалар билан таъминлаш энг долзарб вазифалардан биридир. Бугун баъзи жойларда дастлабки диний маълумот ниқоби остида ёшларни, умуман, аниқ фанлардан узоқлаштиришга мойиллик сезилмоқда. Бу бизнинг таълим-тарбия тизимимизда номукаммаллик, қолоқлик, мафкуравий ишларда ҳам андак салқилик борлигидан далолат беради. Кўраяпмизки, Мустақиллик тушунчаси бевосита Ватанпарварлик, Тараққиёт тушунчаларини ҳам ўз ичига олади.

Дунё ва биз. Бугун кўчада оврупоча замонавий тусда кийинган ёшларни ҳам кўрамиз, оқ рўмол ва бошқа анъанавий эътиқод билан боғлиқ либослар ҳам тез-тез учрайди. Ўз ўрнида бўлса, чуқур идрок этилган бўлса, барчаси ҳам ярашиқлидир. Бунга кўникишимиз керак. Гап бошқа ёқда. Республикамизнинг аҳолиси, асосан, қишлоқда яшайди. Шунинг учун фақат телевидение бош маърифат ўчоғи ва маданият белгиси бўлиб кўринади. Бу нотўғри тушунчадир. Бугун қишлоқда ҳам, шаҳарда ҳам китобхонлик, театрларга қатнашиш, спорт маросимлари паст даражада. Тараққиёт шахс факторига, кадрлар фаолиятига бевосита ва кўп жиҳатдан боғлиқдир. Қишлоқ деганда биз фақат деҳқонни, чорва ва турли экинларни экиш, ўстириш ва йиғиб олиш жараёни деб тушуниб қолганмиз. Шу ўринда бизнинг фаннимиз мавқеи қандай? — деган савол туғилади. Тўғри, Ўзбекистон Фанлар академияси ҳозир ўз мустақил дастур ва тизимлари билан ишламоқда. Аммо қишлоқда биз велосипедни қайта ихтиро қилиб ўтирмаслигимиз керак. Бугун жамоа хўжалигида бир қатор тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган дастгоҳлар ишлай бошлаган бўлса, афсуски, бу бизнинг миллий фанимизнинг тараққиёти эмас, Президентимизнинг тўхтовсиз ҳаракатларию, жойлардаги айрим кадрларнинг ташаббуси билан содир бўлаётганини биламиз. Демак, республикадаги умум демографик вазият ва фан ўртасида маълум узилиш борлиги сезилади. Бу борада ҳам кучли ташкилотчи қадрлар зарурлиги билиниб қолмоқда.

Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари билан учрашувида: «Республика сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини маънавий жиҳатдан таъминлаш учун республика давлат органлари ва ҳокимият бошқарув тизимларида жиддий ўзгаришлар ясашга тўғри келади», — деган эди. **— Жойларда ҳокимлик — халқ ҳокимиятининг тимсолидир. Ҳокимларнинг бурч ва вазифаларини жаҳондаги бирон китоб ёки низом ўзида мужассамлаштира олмайди. Ҳоким кеча-кундуз ўз ҳудудидаги ҳамма воқеа учун биринчи навбатда жавобгар шахсдир».**

Президентимиз ҳозирги кадрлар орасида қуйидаги уч тоифа ҳам борлигини кўрсатганлар. Биринчи тоифа — имонсиз, виждонсиз кишилар. Улардан огоҳ бўлиш керак, токи бундай кишилар энг кичик идорада ҳам одамлар устидан раҳбар бўлмасин. Уларга меҳнаткашнинг куни қолмасин.

Иккинчи тоифа — қўрқоқ, ташаббуссиз кишилар. Улар кимга тобеъ бўлса, шунга хушомад, қуллуқ қилаверадилару, ўз иродалари билан, ақли билан иш қилолмайдилар. Булар тараққиётга зиддир.

Учинчи тоифа — ёшлар, янгича фикрловчи кишилар. Улар ҳали тажрибасиз бўлиши мумкин, аммо виждони тоза. Шундай кишиларни излаш, топиш ҳокимларимизнинг вазифасидир. Бундай ёшларнинг пайини қирқишга уринишни кечириб бўлмайди.

Умуман олганда, ҳар бир раҳбар ўзини, атрофидагиларни шу уч тоифа спектрига солиб кўриши керак: қайси тоифага киради, қандай иш тутади? Уч тоифа ҳақидаги гапни ёдлаб, қайтариб юрмай, ундан хулоса чиқариш керак.

Чархнинг ўйинини қарангки, ҳали ҳам эскича ишлашдан воз кечолмаётган айрим маҳаллий раҳбарлар Президент фармонларининг бажарилиши борасида ҳеч иш қилмаяптилар. Тўғри, улар гапга чечан. Юртбошимиз эълон қилган йўлимизнинг беш принципи, кадрларнинг уч тоифаси ҳақидаги гапни ёдлаб олиб, ҳар мажлисда шариллатиб такрорлайдилар. Аммо уларни амалга ошириш учун бирор иш қилмоқ-ка келганда, эса гунг бўлиб ўтирадилар.

Президент фармонларини «кампанияга» айлантириш, кўр-кўрона ёдлаш самара бермайди, уларга жон киритмоқ, куч бағишламоқ ва ҳаётга татбиқ этмоқ керак. Ҳокимнинг ҳуқуқлари бизнинг адолатли Конституциямизнинг, истиқлол, мафкурамизнинг ҳуқуқларидир. Бугун жойларда ҳокимдан тортиб жамоа хўжалигининг раисигача кадрлар факторига эътибор бермас экан, то ўз жамоасидаги лаёқатли болаларнинг комил тарбиясигача, ўқиб ўрганиши, чет элларда таълим олишигача назарга олмас экан, биз тараққиёт деган неъматдан келажакда катта самара кута олмаймиз.

Биз кўпмиллатли республикамиз. Демографик ҳолат бу ерда ҳам ҳисобга олиниши керак. Кўп тиллилик ҳам зарур замонавий талаб даражасига чиқмоқда. Бугун нафақат дипломатлардан, етишиб келаётган ёш авлоддан ҳам кўп тиллилик малакасини талаб қилмоғимиз керак. Буни хорижда ўқиётган ёшларимизнинг, шунингдек малака оширишга бораётган мутахассисларимизнинг тажрибалари ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Халқда «Аввал ибодат, кейин тижорат» деган ибратли сўз бор. Бунинг маъноси шуки, тижорат билан ибодатни, покиза қўл ва тоза дил билан амалга оширмоқ лозим. Афсуски, баъзи кишилар «тижорат» деганда ўз корхоналарида етиштирган маҳсулотнинг қийматини эмас, воситачилар орқали тайёр маҳсулотларнинг баҳосини биладилар, холос.

Бир қараганда, мафкура масалаларининг юқоридаги гапларга алоқаси йўқдек кўринади ва ҳудди шундай фикрлайдиган бўлсак, Ватан ҳимоячиларимиз — ёш армиямиз аскарларининг ҳам қуролларни ўрганишдан бошқа катта вазифаси йўқдек бўлиб қолади. Ҳокимнинг, жойлардаги раҳбарларнинг бу ишларга қандай алоқаси бор, деган савол туғилиши табиий. «Оқсоқ отга ёрти юк», дейди халқимиз. Улуғ давлатнинг ҳимоячилари ҳар жиҳатдан юртга муносиб бўлмоқлари, ҳарбий, сиёсий, тарбиявий тайёргарликни, фидоийлик, қаҳрамонлик туйғуларини мужассам қилган ҳолда олиб бориш керак.

Чет эллардан келаётган мутахассислар билан суҳбатлашсак, хоҳ у дипломат бўлсин, хоҳ тужжор, уларнинг ҳамма нарсадан хабари бор. Улар учун ҳамма нарса қизиқарли. Уларнинг маълумот кўламига ҳавас қиласиз. Чет эллардан келган баъзи ишбилармонлар ойлаб, йиллаб идораларда бюрократик ғовлардан кўнгли айниб, ўйлаган ишидан кўнгли совиб, орқасига қайтиб кетган ҳолларни биламиз. Бундай бюрократлар тараққиётимизнинг душманлари деб саналмоқлари лозим. Тўғри, биз кўп ҳолларда сусткашлик, сансалорлик, бюрократизмни баъзи раҳбар кадрларга собиқ тузумдан қолган мерос — иллатда, деб қараймиз. Бундан тез қутулиб кетамиз, деб ўйлаймиз. Аслида табиат инсонга ўз-ўзини янгилаш, маънавий поклаш учун ғоятда улуғ неъмат ва имкониятларини яратиб берган. Маънан юксак одамларда нафс учун жой ҳам, вақт ҳам қолмайди. Агар ўтган аср шоири тили билан айтадиган бўлсак, ўзини кибр ҳаво, нафс чиркидан тозалай олган одамгина маънан комил ва бегубор, яъни «малойикдин ҳам буюк» бўлади. Демак, инсон ўз-ўзини поклаши масаласи мафкуранинг етакчи дарсликларидан бири бўлиб қолиши керак.

Гап маънавий покланиш ҳақида борар экан, бу соҳада Ислом динининг ўз ўрни бор. Тарбия, камолот борасида диндорлар халқимизга беқиёс ёрдам беришлари мумкин. Бунинг учун улар мўлжални тўғри олишлари керакки, мақсад — одамларнинг дилига кириш бўлсин, лавозимнинг иссиқ-курсиси бўлмасин. Афсуски, айрим дин пешволари ҳатти-ҳаракатларини одамларимизнинг имон софлигини тарбиялашга эмас балки халқни ўз измига солиб, тобе қилишга сарфламоқдалар.

Дин — тараққиётга хизмат қилиши керак. Оқил фикрли тақводорлар пайғамбаримизнинг бир ҳадисини билсалар керак: «Уч ҳолда ёлғон кечирилади: 1. Эр-хотинни яраштириш учун айтилган ёлғон; 2. одамларнинг низосини тугатиб, муроса қилиш учун айтилган ёлғон; 3. урушнинг олдини олиб, айтилган ёлғон...».

Биз одамлар орасида жанжал қўзғамай, рост сўз айтишларини истаймиз. Оллоҳ уларга халқни низога чақиришни ман этади, яраштириш учун ёлғонга ҳам йўл беради. Оллоҳни ёдлаб, элга, тараққиётга хизмат қилишга чақирамиз.

Ҳали бугун ҳам унда-бунда нега унинг одами ҳоким бўлди, нега бунинг одами тайинланмади, деб юргувчи кишилар, ҳатто гуруҳлар топилади. Бу ақидапарастликнинг ҳам тубида миллат тақдирига бефарқлик ёки оддий кундалик манфаат билан боғлиқ жаҳолат ётади. **«Миллатнинг асл фарзанди» деган тушунчани иш фаолиятимизнинг барча соҳаларига татбиқ этиб, ҳар бир фуқаронинг меҳру муҳаббатини, кўмагини сезиш, буюк келажакка шахсий ишончни шакллантириш учун кураш бошлашимиз керак.**

Яқинда биз республика матбуотида дин намояндаларининг, кўплаб жамоа ташкилотларининг, шулар қаторида «Эрк» демократик партиясининг ҳам республика фуқароларига мурожаатларини ўқидик. Бир қараганда, бу факторлар шунчаки, қандайдир даражада нимагадир, кимларгадир ён босишдай, келинг, шу ҳам керакдир-да, дегандай тасаввур туғилиши мумкин. Аслида гап мутлақо бундай эмас. Тарихан маълумки, миллат, давлат жиддий муаммолар, ҳал қилувчи синовлардан ўтаётганида ҳамма эл бир ёқа-енглик билан ҳаракат қилганлар. Ўз оромидан кечиб, гарчи баландпарвоз сўздек туюлса ҳам, миллатни, Ватанни сақлаб қолиш туйғулари билан бирлашганлар, елкадош туриб ҳаракат қилганлар. Бу муроса ва иттифоқдан ҳеч бир томон ютқизмаган. Мустақиллигимиз, миллий манфаатлар ҳар қандай шахсий, диний манфаатлардан устунроқдир. Буни англаб етсак, давлатимиз буюк, элимиз фаровон бўлади.

Агар давлатлар юксалиши ва таназзулининг тарихий йўлларига назар солсак, миллатни ҳаракатга келтирувчи улуғ ғоя, улуғ раҳбар, бекаму кўст фидойилик, ҳар доим юксак мақомга эга бўлганлигини кўрамиз. Бу ўринда маълум тарихий шароитда юртбошининг шахсий жасорати, миллат қутқарувчиси бўлиб майдонга чиқиши, юксак ташкилотчилик, сиёсий уддабуронлик, иқтисодий малака ва хўжалик юритиш тажрибаси бош ва муҳим роль ўйнаган. Иккинчидан, улуғ давлат қурилиши ғоясининг кўлами, буюклиги, фуқароларнинг шунга бўлган ишончи ва садоқати ҳам муҳим масаладир. Учинчидан, юқоридаги икки омилдан келиб чиқувчи ҳосила—бирлик ва ҳамжиҳатлик билан, қайтмай, чекинмай, танлаган йўлдан олдинга интилишдир.

Ҳа, Ўзбекистон ўз истиқлол йўлига чиқди. Дунёда бизга хайрихоҳ, ёрдам беришга тайёр кучлар кўп. Аммо бош муаммоларни ўзимиз ҳал этишимиз талаб қилинади. Истиқлол ҳар биримизни синовдан ўтказади. Ҳар биримизнинг фаолиятимиз аниқ ишларда ва амалда синалади. Бу синов тили билан дили бир, имони бутун кишилар учун бамисоли жаннат йўли бўлса, қинғирлик ва сохтакорлик учун боши берк кўчага айланажак.

Назаримда, табиат, Яратганнинг ўзи миллатимизга, халқимизга, Ўзбекистонимизнинг келажагига қарата Президентимиз юрагига, кўнглига ёниқ эҳтирос, куч-ғайрат солиб, унинг тили билан дунёга эшитарли қилиб, бизнинг бош сўзимизни нозил этган «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат».

Ҳа, бизга толе ато этган ёркин ҳақиқат учун комил ишонч, собит эътиқод ва ғурур билан яшашу, ишлашнинг ўзи улкан бир саодатдир.

Ижодкор ўқитувчиларнинг II адабий анжумани олдидан

ИСТЕЪДОДГА ЭЪТИБОР ЗАРУР

Унутилган ҳар бир нарса бугун биз учун янгилик бўлиб кўринаяпти. Албатта, авлодлар ўзгариши билан шундай бўлиши табиий ҳол. Зероки, хайрли ишлар қачон эсланмасин, барибир ҳавас уйғотади. Бундай дейишимга сабаб, куни-кеча (қандай йўналишда бўлишидан қатъий назар), дарсликларда ўқиганимиз, фозиллардан эшитганимиз қалбимизда муҳрланиб қолган. Булар нималар эди. Асримиз бошида яшаб ўтган машҳур Абдулло Авлоний, Ҳамза, Маҳмудхўжа Беҳбудий, яна бир туркум зотлар мактаб очганини, болалар учун дарсликлар, махсус асарлар ёзганини билдик. Очиғи, биз улар таржиман ҳолидаги бу нуқталарга унча эътибор бермаганмиз. Миллат болаларини уйғотиш, илму маърифатли қилишдаги бош ниятини тўла тушунмаганмиз.

Ана шу бепарволик, тушунмаслик то кечаги кунгача этагимизга илашиб келди. Бизнинг тенгқурларни қўяверинг, катта авлод адиблари ҳам мактаб, ўқитувчи, ўқувчи борлигини унча ҳаёлга келтирмади. Адабиёт, тарих дарсликларида нима бору нима йўқлиги билан қизиқмадик. Савия ҳақида ўйламадик. Мактабларга фақат тантанали учрашув пайтидагина бордик. Мактабдан узилиб яшадик.

Ўйлаб қоласан. Мактаб очган, дарслик ёзган адибларимиз ўзларини қайси мутахассисликка яқин билганлар. Ойбек домла, донишманд Мақсуд Шайхзоданинг институтларда дарс берганини бир эсланг. То ҳануз, мен Шайх акада ўқиганман, деган сўзларни эшитиб турамиз. Бугунликда вилоятимизда яшаб, ижод қилаётган Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоларининг сони анча-мунча. Қайси бири мактабда ёш адабиётчилар тўгарагини очдийкин? Яхшиям, фидойи адабиётчи ўқитувчиларимиз бор. Ана шулар тўгарак очиб, навниҳолларни тарбияламоқдалар.

Ўртадаги пардани олиб ташлаш, узилган йўлларни улаш, яқинлашиш мақсадида ўтган йили Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда биринчи марта Республика ижодкор ўқитувчиларининг адабий анжуманини ўтказишга қарор қилди.

Турли вилоят, туманлардан юзга яқин бадиий ижод билан шуғулланувчи ўқитувчилар етиб келди. Бирортаси анжуман кунларида бизга қанақа шароит яратилади, деб сўрамади. Уларда битта ташвиш бор эди. Ёзганларига одилона баҳони ким беради. Қайси матбуот уларга эшигини очади. Жуда кўп адибларимиз фаолиятимни мактабдан, ўқитувчиликдан бошлаганман дейишади. Анжуманга келганлар бундан бохабар эди.

Икки кун давом этган адабий гурунглар, баҳслар, музокаралар, тортишувлар, танишувлар, ёмон натижа бермади. Бу меҳр талаблар даврасини вазиримиз Жўра Йўлдошев, Ўзбекистон халқ шоирлари Шукрулло, Жамол Камол, таниқли шоира Гулчеҳра Нуруллаева, «Шарқ юлдузи» жамоаси бошлиғи Ўткир Ҳошимов, қўйингки, анча-мунча мутахассислар тарк этмади. Келганлар адабий муҳитдан йироқ бўлсалар-да, талаб ҳаммага бир хил эканлигини тўла ҳис этганликларини намойиш этдилар. Дарслик, тил муаммолари бўйича бўлган баҳсларда исми шарифи дарсликлар муқовасига муҳрланиб қолган мутахассисларни довдиратиб қўйдилар. Яшириб нима қилай, ўқитувчилар уйғонибди, деган ишонч пайдо бўлди.

Вазирликнинг бош нияти ана шунда кўринди. Ёзувчилар билан амалиётчи ижодкор ўқитувчилар гурунги иккиланишларга нуқта қўйди. Нима бўлгандаям ҳар бир янги асарнинг бош тарғиботчиси — адабиёт муаллими бўлади. Бунинг устига ўзи ижод қилса, энди унга тараф йўқ. Шундай экан, «хонаки» мутахассислар эмас, ана шу икки иттифоқ адабиёт дарсликларининг савиясини бемалол белгилаб бериши рўйи рост кўринди.

Бундан ташқари адабиётимизда яна бир кемтик бор. У ҳам бўлса мактаб, ўқитувчи, ўқувчи, умуман, миллий таълим-тарбияга бағишланган асарларимиз деярли йўқ. Мен сира мавзубозликни тарғиб қилмоқчи эмасман. Мавзубозликнинг нималарга олиб келганини кўрдик. Гап таълим-тарбия фидойиларининг ҳаёти, дунёсини тушуниш устида кетаяпти. Ўқитувчи дарс бериш билан бирга жодкор бўлса, нимаси ёмон. Ҳеч бўлмаса ўз дунёси ҳақида ўзи ёзади-ку. Ўшанда Абдулло Авлонийларнинг шогирдлари борлигини сездик.

Ўтган анжуманда қаламкаш чархланган ўнлаб ижодкорлар борлиги аниқланди. Бухоролик Жўра Ҳамро, қашқадарёлик Баҳром Маҳмуд, самарқандлик Ойгул Суюндиқова, сурхондарёлик Холбой Аҳмедов, тошкентлик Тошпўлат Холматов, санайверсам, уларнинг сони кўп. Катталару болалар учун бетиним саҳна асарлари ёзиб юрган Бобораҳим Омонниг ўзи бир дунё. Вазирлик ана шуларни уюштириб, мана миллий мактаб куйчилари деб, ёзувчилар уюшмасига тақдим этди. Мактабсиз ҳаётини тасаввур қилолмайдиган бу ижодкорларда яна шуни сездимки, уларга фақат ва фақат эътибор керак экан.

Анжуман қоидаси — Низомига мувофиқ бу йилги анжуман 15—17 сентябрь кунлари Гулистон шаҳрида ўтади. Шу муносабат билан тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Жойларда бу йилги иштирокчилар танланади. Талаб битта: мактаб, ўқитувчи оламини бадиий асарларда ёритиш. Мактаб кутубхонасига доир турли жанрдаги асарларни кўпайтириш. Мустақиллик руҳини ҳар бир бола қалбига сингдириш. Миллий таълимни жорий этиш. Ўқитувчи маданиятини тарғиб қилиш. Асосий йўналиш — мактаб ва бадиий сўз қудратини намойиш этиш. Янги авлодни маънавий бақувват қилиб тарбиялаш. Республикамиз аҳолисининг деярли тенг ярмини ўқувчи-ёшлар, маорифчилар ташкил этади. Демак, мустақилликнинг юки ана шуларнинг елкасида. Бугун биз ҳар бир ижодкор ўқитувчини қўллаб-қувватласак (соҳасидан қатъий назар), эртага у янги истеъдодларни тарбиялайди. Эътибор бўлаяпти деган мисолни ўзидан бошлайди.

Энди шу баҳонада айтадиган гапим. Бу ҳар биримизга боғлиқ. Вазирлик энг яхши ўқитувчи ҳақида ёзилган очерк учун конкурс — танлов эълон қилди. Талаб даражасидаги асарларни йиғиб, умумий тўплам нашр қилиш бўйича ижодий иш олиб бормоқда. Лекин ҳозирги кунда деярли ҳар бир вилоятда кичик-кичик нашриётлар ташкил қилинган. Гапнинг очиғи, марказу вилоят нашриётларини пулдор муаллифларнинг қўлёзмалари босиб кетди. Кетма-кет нашр қилинмоқда. Қўзиқориндай қўпайиб кетаётган бундай китобларнинг бадиийлиги, зарур-нозарурлигига ҳеч ким жавоб бермайди. Нашриётга пул, чўнтаги бутунга китоб керак. Савия эса ҳаминқадар. Маънавият ҳақида гапириш ортиқча. Бизнинг ижодкор ўқитувчилар шундай аҳвол давом этаверса, ҳали-бери нашриётлар остонасига қадам босолмайди. Ёнидан китоб чиқариш тушига кирмайди.

Қани энди, вилоятдаги нашриётлар ҳеч бўлмаганда ўз ҳудудида яшаётган, анжуманларда қўлёзмалари маъқулланган ижодкор ўқитувчиларнинг тўпламларини нашр қилса, Ҳомийлигини ҳокимликлар, турли корхонаю, фермер хўжаликларини бошқараётган отаоналар олса. Тўғри, ҳозир турли хайри-эҳсон сўрайдиганлар, жамғармалар кўпайди. Аслида эса ҳақиқий ўқитувчининг кўнглини олишдан савоб иш йўқ. Боз устига у ижодкор бўлса. Бола-чақангни бағрини очиб кутиб олса.

Мақоламни сурхондарёлик ижодкор ўқитувчи Абдумурод Раҳмоновнинг «Адабиёт» саралавҳали шеъри билан тугатмоқчиман:

Дарсда: болаларга дейман
таъкидлаб!
«Атомларга қарши —
адабиёт бор!
Нопокликка
санчинг
сўз тиғин қайраб,
Адабиёт бор жой —
абадий баҳор.

Азиз ижодкор ўқитувчилар, бормисиз, овоз беринг!

Сафар БАРНОЕВ.

КАСБ ИШТИЁҚИ

Ёшларга касб танлашларида тўғри тавсия бериш муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўқувчилар иштиёқманд бўлишиб, катталарнинг топшириғини бажону дил қабул қиладилар ва сидқидилдан амалга оширишга интиладилар. Шунинг учун ҳам ўқитувчи ёшларни касб-ҳунарга йўллашда уларнинг ёш хусусиятлари ва жисмоний камолотини ҳам ҳисобга олиши зарур.

Бошланғич синф ўқитувчиларининг «Ўқиш китоби»даги айрим матн ва шеърларда кишиларнинг меҳнати ва касблар ҳақида маълумотлар берилган. Масалан, Қ. Муҳаммадийнинг «Билим ол, ҳунар танла» шеъри, «Нон азиз» матнлари, Д. Файзийнинг «Механик ҳайдовчи» ҳикояси, А. Умарийнинг «Ўқитувчи» шеъри ва бошқа мавзуларни ўтишда ёшларнинг ўз ҳалол меҳнатлари билан мўъжизалар яратажакларига рағбатлантирилади. Аммо деҳқончилик, косибчилик, дўппидўзлик, ҳунармандчилик, дурадгорлик, чилангарлик каби касблар қатор материалларда, жумладан, расмларда ҳам яхши тасвирланмаган. Бу масалаларга ўқитувчи мустақил равишда алоҳида тўхталиб ўтса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ёшларнинг ҳар хил касблар ҳақида тушунчага эга бўлишида ва касб тарбиясини шакллантиришда мактаб кутубхоналари орқали ҳам жуда кўплаб ишларни режали амалга ошириш мумкин. Ўқитувчи кутубхона мудираси билан ҳамкорликда ўқувчилар билан жонли суҳбатлар, баҳс-мунозаралар ташкил этиб, касблар ҳақида мароқли ҳикоя қилиб бериши мумкин. Китоблар кўргазмасини ташкил этишда ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини эътиборга олиш, айниқса, муҳимдир. Шунингдек, суҳбат ўтказишда меҳнат кишиларига бағишланган мақолалар ёритилган газета ва ойномалар катта аҳамиятга эга. Бундай тадбирларни ташкил этиш орқали касб-ҳунар турлари хусусида ўқувчиларда дастлабки тушунчаларни ҳосил қилиш мумкин.

Ўғил-қизларни касбга йўналтиришда оталиққа олинган корхоналар, фабрикаларга ҳамда жамоа хўжалиги далаларига саёҳатлар уюштириш ҳам катта фойда беради. Зеро, болалар саёҳат жараёнида турли касб эгаларининг қилаётган меҳнатларини ўз кўзлари билан кўрадилар, киши эҳтиёжи учун зарур бўлган нарсаларнинг ҳунар эгалари томонидан тайёрланаётганига гувоҳ бўладилар. Бу ўз навбатида болаларнинг турли касбларга бўлган иштиёқларини оширади.

А. РАҲМАТУЛЛАЕВ,
аспирант.

БИЛИМ ВА МАҲОРАТ СИНОВИ

Яқинда Наманган шаҳридаги 19-ўрта мактабда шаҳар мактаблари ўқувчиларининг барча фанлар бўйича кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда турли ташкилот раҳбарлари, маҳалла фаоллари, иқтидорли ўқувчилар, санъаткорлар қатнашдилар.

Танловда шаҳар мактабларидан сараланган 30 нафарга яқин ўқувчининг одоб-ахлоқда, билим эгаллашдаги маҳорати синаб кўрилди. Кўрик-танлов ғолиблари Фахрий ёрлиқ, диплом ҳамда пул мукофотлари билан тақдирландилар. Масалан, 19-ўрта мактабнинг 10-синф ўқувчиси Н. Ҳотамбоев 500 сўм пул ҳамда атоқли хонанда Камолиддин Раҳимовнинг шахсий мукофотига сазовор бўлди. Шунингдек, 44-ўрта мактабнинг 3-синф ўқувчиси А. Қодиров шаҳардаги машинасозлик заводи (раҳбари А. Паттоев) ажратган 2000 сўмлик мукофотни, 1-ўрта мактаб 10-синф ўқувчиси Л. Носирова, 13-мактабнинг 11-синф ўқувичиси М. Абдуллаевлар Улуғбек номидаги жамғарма стипендиясини олиш шарафига муяссар бўлишди.

Наманганлик фахрий шоиримиз Ғаффорий эса 12-ўрта мактабнинг ўқувчилари — Дилбар Қодирова, Умида Эргашева, Муяссар Ҳалиловаларга ўз шахсий пенсияси ҳисобидан ҳар ойда 100 сўмдан стипендия бериб боришни маълум қилди.

Кўрик-танлов якунида Камолиддин Раҳимов раҳбарлигидаги ансамбль катта концерт берди. Бундай тадбирлар мактаб ўқувчиларини янада пишиқ-пухта илм олишга ва одоб-ахлоқли бўлишга ундаши шубҳасиздир.

Воҳид АБДУҚОДИРОВ,
Наманган шаҳар халқ таълими бўлими бош мутахассиси.
Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
фахрий педагог.

Пойтахтимиздаги Акмал Икромов туманида болаларни гўдаклигиданоқ чиниқтириш учун талайгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Яқинда 341-болалар боғчасида бўлиб ўтган спартакиада ҳам бунга мисол бўла олади. Спартакиадада туманнинг 6 та болалар боғчаларининг тарбияланувчилари иштирок этишиб, шаҳар миқёсида ўтказиладиган мусобақада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Суратда: мусобақа пайти.

А. МАДАМИНОВ
суратга олган.

Виждонан меҳнат қилаётганлар

ЭҲТИРОМ

1973 йили Абдусами Солиев ҳаётида унутилмас воқеа содир бўлганди. Ўшанда устозлари, ёру дўстлари уни фан номзоди деган илмий даражага мушарраф бўлгани билан муборакбод этишганди. Орадан 20 йил ўтибди. Сермазмун умрининг эллигинчи баҳорини қарши олган бу олим илмнинг машаққатли йўлларини ортда қолдирди. У энди география фанлари доктори, профессор.

Абдусами Солиевнинг меҳнат фаолияти Тошкент давлат дорилфунуни билан чамбарчас боғлиқ. У «Мамлакат иқтисодий ва ижтимоий географияси», «Шаҳарлар географияси», «Ишлаб чиқариш кучларини ҳудудий ташкил этишнинг илмий асослари» каби асосий фанларни юқори илмий савияда ўқитиб келмоқда.

А. Солиев дорилфунун таълимини янада чуқурлаштириш ва такомиллаштиришга катта эътибор билан қарайди. У собиқ Иттифоқ дорилфунунлари методик бирлашмаси аъзоси сифатида бир неча йиллар давомида фаол ишлаб келди. ТошДД илмий-методик комиссиясида ҳам самарали ишлар олиб борди. Бевосита унинг шаббуси билан кафедрада янги махсус курслар киритилди. Ўзи эса «Қишлоқ жойлари ижтимоий географияси», «Шаҳар ва қишлоқлар типологияси» каби ихтисослашган курсларни ишлаб чиқиб, ўқув жараёнига татбиқ этди.

Олиб борган илмий тадқиқотларининг якуни бўйича А. Солиев 150 дан зиёд илмий асарларини нашр эттирдики, булар орасида бир қанча йирик рисолалар бор, улар фақат республикамиздагина эмас, балки собиқ Иттифоқ миқёсида ҳам юксак баҳоланди. «Ўрта Осиё ривожланиши», «Шаҳарлар тараққиёти ва аҳоли жойлашувининг регионал хусусиятлари», «Иқтисодий ва социал география курсида айрим қонуниятларни ўрганиш методикаси», «Агросаноат комплекси географиясидан диплом иши ёзишга доир методик кўрсатмалар» каби ишлар таҳсинга лойиқ. Бу илмий ишлар ўзбек, қорақалпоқ, тожик, озарбайжон, рус, араб, олмон, фаранг ва инглиз тилларида чоп этилган. Мазкур асарларда урбанизация жараёни ва аҳоли жойлашувининг регионал хусусиятлари, аҳолининг табиий ва миграцион ҳаракати, меҳнат манбаларининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш, ҳудудий ишлаб чиқариш кучлари, шунингдек саноат тармоқларининг ривожланиши ва жойлашиши каби ижтимоий-иқтисодий, демографик ва экологик муаммолар таҳлил этилган.

Олимнинг жамоатчилик фаолияти ҳам жўшқин. Айниқса, унинг илмий билимларни тарғиб этишдаги, Ўзбекистон эришган иқтисодий ва маданий ютуқларни омма ўртасида ёйишдаги хизматлари диққатга сазовор. Унинг, айниқса, география фанлари бўйича дорилфунун махсус илмий кенгаш ва куллиёт эксперт комиссиясининг раиси сифатида олиб борган ишларининг аҳамияти беқиёсдир.

Паёз МУСАЕВ,
педагогика фанлари номзоди.

Нуқтаи назар

ШАХС КАМОЛИ

Ўзбекистон мустақиллиги дастлаб унинг иқтисодий-сиёсий соҳаларида кўпроқ намоён бўлди, эндиликда у инсониятнинг маънавий оламига сингиб бормоқда. Шундай экан, маънавиятни қайта тиклаш, аввало, мактаблардан бошланишини эътироф этган ҳолда, ўқитувчи-ўқувчи муносабатларини янгилаш лозим. Айтмоқчиманки, бугунги мактабларимизнинг таълим-тарбия соҳасида эришган ютуқлари кўп жиҳатдан ўқитувчи ўз фаолиятини қай даражада қайта қурганлиги билан ўлчанади.

Буни кенгроқ тасаввур қилиш учун республикамиз маорифи ўтмишига назар ташласак, таълим-тарбия даражасининг сифат жиҳатдан хилма-хиллиги, жаҳон стандартлари даражасида эмаслиги биринчи навбатда педагог кадрлар тоифасининг турли-туманлигидан эканлиги яққол кўзга ташланади.

Ўзингизга маълум, собиқ Октябрь революциясидан сўнг ўлкамизда ёппасига саводсизликни тугатиш даври б о ш л а н г а н д и. Ўша кезларда кўплаб педагог кадрлар кераклиги боис уларнинг сифатидан кўра, сони зарур эди. Ўз вақтида бу ишлар «дўндириб» бажарилди. Шундан кейин халқ таълимининг ички таркибини қайта қуриш керак эди. Аммо бу ишлар кўп замонлар эътибордан четда қолиб келди. Мазкур соҳада туб сифат ўзгаришлар қилиш учун ҳаракатлар энди бошланди.

Юқорида таъкидлаганимдек, бизда муаллимлар тайёрлаш иши сон жиҳатдан аллақачон ҳал бўлган. Хўш, нима қилиш керак? Менимча, биринчи галда савияси юқори бўлган, юксак билимдон муаллимлар тайёрлаш ишини бошлаш лозим. Тажрибалардан бизга шу нарса аёнки, педагогика институтларини битириб чиққан муаллимлар таълим-тарбиянинг педагогик-дидактик жиҳатларини университетни битириб чиққан ходимлардан кўра қўпроқ биладилар, университетни битириб чиққан ходимлар эса фан асосларини билишда педагогика институтларини битириб чиққан муаллимлардан кўп жиҳатдан устун турадилар. Ана шу икки тафовутни бартараф этиш лозим. Тўғри, университетлар қандай кадрлар тайёрлашга ихтисослашганлигидан маълум даражада хабаримиз бор, шундай бўлса-да, уларнинг таълим-тарбия тизимида қайта қуриш ишларини бошлаш даркор. Яъни, университетларда куллиётларни илмий-назарий ва педагогик-дидактик гуруҳларга ажратиб ўқитишнинг вақти келганга ўхшаяпти. Бу билан маорифимиздаги барча муаммоларни тўла бартараф этмасак-да, таълим-тарбия соҳасида яхши натижаларга эриша бошлашимиз мумкин.

Халқ таълимини яхшилашга хизмат қилувчи иккинчи бир нарса таълим-тарбия ишларининг амалиёт билан алоқаларини янада мустаҳкамлаш масаласидир. Тиббиёт институтида бундай алоқа — билим бериш билан уни ҳаётга татбиқ этиш ишлари жуда тўғри ташкил этилган. Талабалар ўқиш вақтининг асосий қисмини шифохоналарда беморлар билан ўтказадилар. Беморларга ташхис қўйиш, уларга бериладиган дори-дармонларни аниқлаш ва даволаш усулларини бевосита шифохоналарда ўрганадилар. Педагогика илмгоҳлари ва билим юртларининг талабалари эса бундай имкониятдан маълум даражада, маълум давргача маҳрумдирлар.

Мен хизмат вазифам юзасидан Тошкент шаҳри ва республикамизнинг кўпгина мактабларида бўлганман. Талабалар ва ёш ўқитувчиларнинг дарсларини кузатганман. Улар билимсизликдан кўра, кўпроқ тажрибасизликдан азият чекадилар. Шу туфайли дарсларига бироз киришидан жуда-жуда чўчийдилар. Бунинг асосий сабаби — педагогика илмгоҳи билан мактабларимиз ўртасидаги алоқа яхши эмаслиги, бўлса ҳам ўта заифлигидир. Талабалар асосан 3-курсдан бошлаб амалий ишларни ўтказиш учун мактабга борадилар. Уларнинг айримлари энди ўзларини «улкан илмли одам» ҳис этиб, ўқувчилар билан гаплашишдан «ор қилиб», ўзларини четга олиб юрадилар. Бир сўз билан айтганда, қовуша олмай «ийманиб» юрадилар. Бунинг боиси бугунги талабанинг кечаги ўзи ўқиган замон билан бугунги ўқувчи ўқиётган замон ўртасидаги масофанинг ўта узоқлашиб кетганлиги эмас, балки улар ўртасидаги маънавий алоқанинг кескин узиб қўйилганлигидадир.

Агар шифокор беморга ташхис қўйишда адашса, учувчи учиш курсини тўғри белгилаб ололмаса, автомобиль ҳайдовчиси шоҳ кўчага чиқиши билан довдираб қолса, унинг натижаси бир зумда аён бўлади-қўяди. Аммо ўқитувчи — устоз адашса-чи, кўп ўтмай бутун бир авлод, қолаверса бутун бир жамият ҳалокатга йўлиқади.

Юқорида айтганларимга бевосита боғлиқ бўлган масаланинг иккинчи бир томони ҳам борки, бу мактабларни бошқариш маданиятини тубдан қайта қуриш ишига бориб тақалади. Мактабда бош ва етакчи фигура — ўқитувчи. Шундай экан, ҳозирги халқ таълими олдида турган асосий вазифалардан бири ўқитувчининг асл шахсини шакллантиришдан иборат. Чунки ўқитувчи ёш авлод — ўқувчисини ўз инсонийлик тимсоли орқали шакллантиради, яъни болалар ўқитувчисининг жамиятда тутган мавқеига ва инсоний фазилатларига қараб шаклланади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Фақатгина ўқитувчининг маънавиятини тиклаш билан кутилган мақсадга эришиб бўлмайди. Ўз навбатида, ўқувчиларнинг ҳам топталган маънавиятини инсонпарварлик қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда тиклаш керак. Инсонпарварлик болалар шахсини ҳурматлаш, уларга ишониш, уларнинг табиий қобилиятларини ривожлантиришга имкон берадиган шароитни яратишдан иборат. Ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги муносабатларни демократик асосда тиклаш ва уни тенглаш болалар шахсини яратиш калитидир. Йигирма беш йиллик педагогик фаолиятимда яхши гапга қўполлик билан жавоб берган болаларни учратмаганман. Қаерда ишламайин, уларнинг ҳуқуқларини тиклаб, улардан ёмонлик кўрмаганман. Юқорида айтганларим таълим-тарбиядаги мавжуд эскича тартибларга амал қилишдан воз кечиб, пайдо бўлаётган ҳозирги янгиликларга риоя қилганимизда амалга ошуви мумкин. Бунинг учун таълим-тарбияни ва уни бошқаришни инсонпарварлаштириш ва демократиялаш керак. Демократия аслида мулоқот ва муомала даврида юз бериши зарур, бу мулоқот асос-эътибори билан инсон — ўқитувчи шахсини эъзозлашга асосланган бўлиши лозим.

Ғ. МАҲМУДНАЗАРОВ,
Тарих фанлари номзоди.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Саноатхон АЗИМОВА!

Табаррук 55 ёшга тўлганингиз муносабати билан чин қалбдан муборакбод этамиз. Ўттиз йилдан ортиқ даврдан бери халқ таълими тизимида халол меҳнат қилиб, эл ҳурматига сазовор бўлиб келмоқдасиз.

Сизга оилавий хотиржамлик, боқий умр тилаймиз.

Тошкент вилояти Зангиота тумани халқ таълими бўлими.

Азиз ва меҳрибон Турсуной ЖОНИБЕКОВА!

Сиз илмий бўлим мудири бўлиб ишлаётган Тошкент туманидаги Ҳ. Абдуллаев номли 2-мактабда таълим-тарбия ишлари яхши йўлга қўйилганлигини кўпчилик таъкидлайди. Бу ютуқда Сизнинг ҳам меҳнат улушингиз борлигидан фахрланамиз.

Оиламизни тарбиячилар сулоласи, деб тилга олишади. Халқ фарзандини ўқитиб, тарбиялашдек масъул ишга камарбасталигимиздан қувонамиз. Бунда, шубҳасиз, маслаҳатларингиз бизга ҳамиша йўлланма бўлади.

Сизга сиҳат-саломатлик ва узоқ умр тилаб умр йўлдошингиз МАРАТ, қизларингиз ЭЛМИРА, ГУЛЧЕҲРА ва БАЯН.

Ҳурматли ҳамкасбимиз Уроқжон КАРИМОВ!

Биз Сизни туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Ёш авлодни метиндек мустаҳкам, иродали, билимли, доно, зукко қилиб тарбиялашда Сизга куч-қувват тилаймиз. Фориш тумани 38-ўрта мактаб ўқитувчилари — ҳамкасбларингиз.

Тошбой ҒИЁСОВ ва Аҳтам ШОРАҲМЕДОВ.

ЭЪЗОЗ

Денов туманидаги 17-мактабга педагог Шариф Улуғов номи берилиши муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Тантанада Денов туман ҳокими Т. Менглиев, меҳнат фахрийлари И. Шарипова, И. Жалолов, туман халқ таълими бўлими методисти О. Йўлдошев ва бошқалар сўзга чиқишиб, Ш. Улуғовнинг ҳаёт йўли, талабчан мураббий, ишчан раҳбар бўлганлиги ҳақида гапирдилар.

Тантанали йиғилишдан сўнг устоз хотирасига бағишланган бадиий чиқишлар. спорт мусобақалари ўтказилди. Айниқса, Бобораҳим бахшининг Ш. Улуғов ҳаётини ёд этиб айтган достони кеча қатнашчилари олқишига сазовор бўлди.

Т. ШАРИПОВ.
Сурхондарё вилояти.

Рақамлар сеҳри

Қадимги одамлар яшаган манзилгоҳлардан топилган археологик ёдгорликлардан тортиб кундалик турмушда, жонли сўзлашувда қўлланиладиган ибора ва мақолларгача, халқ оғзаки ижодиёти ва удумларимизгача барини бир-бири билан боғловчи ғаройиб бир анъана бор: бу — «етти» рақамига фавқулодда катта эътибор бериш анъанасидир. Болаларимиз узоқ асрлар мобайнида энг яхши тилакларини, хайрли ниятларини ифодалашга эҳтиёж сезганларида нега энди айнан «етти» рақамини танлашди экан? Ҳатто, ҳозир ҳам болаларимизга топишмоқ айта туриб, пиёзнинг пўсти айнан еттита эмас, балки анча-мунча кўпроқлигини кўра-била туриб, «пак-пакана бўйи бор, етти қават тўни бор» жумбоғини келтираверамиз. Аммо нега энди «етти» рақамини ишлатганимизнинг сабабини сираям ўйлаб кўрмаймиз. Зеро, шуниси таажжубланарлики, бу рақам қадим замонларданоқ дунёнинг турли бурчакларида яшовчи, турли тилда сўзлашиб, турли эътиқодга топинувчи одамларнинг энг «севимли» сонларидан бирига айланиб қолган экан. Жаҳонда «етти» рақамини муқаддас деб билмайдиган, унга ўзгача ихлос қўймайдиган халқ ёки элат топилмайди, десак лоф бўлмайди. Бу сон билан боғлиқ анъанавий тимсоллар, фусункор образлар деярли барча халқ фольклорида мавжуд. Хўш, халқ оғзаки ижодиётида, урф-одат ва маросимларимизда «етти» рақамининг бу қадар эъзозланишига сабаб нимада?

1965 йилда археолог олим Б. А. Фролов Иркутск шаҳри яқинидаги Мальта ва Украинанинг Мезин қишлоқларидан топилган тош асрига мансуб топилмаларни текшираётиб жуда ғалати бир ҳодисага дуч келиб қолган: ёдгорликлар орасидаги ўн тўртта аёл ҳайкалчаси ҳамда ўн учта турли буюмларнинг қолдиқларидаги геометрик шакллар ва чизгиларда ўзига хос «еттилик» услуби кўзга ташланар эди. Ҳайкалчаларнинг айримларига еттита чизиқ чизилган бўлса, бошқасида етти доира ёки нуқта тасвири туширилганлиги тадқиқотчини ўйлантириб қўйди. Шундан кейин Б. Фролов Сибирь археологиясининг топилдиқларини жаҳоннинг бошқа тош асрига оид манзилгоҳларидан чиққан материаллар билан қиёслаб ўрганишни давом эттирди ва қачонлардир ғорда яшаган аждодларимиз ҳаёти — 5 ва 10 ҳамда 7 ва 14 рақамлари алоҳида аҳамиятга эга бўлганлигини аниқлади.

Тарих илмида «Сибирь маликаси» деб ном олган бу ҳайкалчаларнинг айримларига еттита чизиқ чизилган бўлса, бошқасида етти доира ёки «мунчоқ» тасвири тош асри одамларининг ўзига хос вақт ҳисоби — етти кунлик, «ҳафта» белгисидир, дейишмоқда мутахассислар.

Чунки қадимги одам ой фазаларининг ҳар етти кунда ўзгариши. Етти қароқчи юлдузлари, етти ўзгарувчан сайёраларга алоҳида аҳамият берган. Маълум мавсумий маросимларни ўтказиш вақтини белгилашда ой фазаларининг мунтазам ўрин алмашинуви муддатини асосий мезон қилиб олган қадимги одам ҳайкалчаларда, сопол, суяк ва тошдан ясаган буюмлар ва меҳнат қуролларидаги етти чизиқни, яъни етти кунлик вақт белгисини туширган экан.

«Етти» рақамининг «сеҳр-қудрат»ини ҳис қилган қадимги одам ҳаётининг ҳар бир соҳасида ана шу рақамга таянган. Ов қуроллари ясашда, ов ва жанг ҳаракатларида, ов ва жанг ритуалларида, ов ва жанг ҳақидаги афсоналарда, ов ва жанг ҳақидаги эртакларда, ов ва жанг ҳақидаги қўшиқларда «етти» рақамига алоҳида эътибор берилган. Ов ва жанг ритуалларида ҳам, ов ва жанг ҳақидаги афсоналарда ҳам, ов ва жанг ҳақидаги эртакларда ҳам, ов ва жанг ҳақидаги қўшиқларда ҳам «етти» рақами ҳеч қачон ёлғиз келмайди